



1918-yil
21-iyundan chiqq
boshlagan

№27, 2021-yil 14-iyul,
chorshanba (32.669)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI



Халқ банки биринчилардан

Халқ банки "Finastra Fusion Risk" негизда хатарларни, банк актив ва пасивларини бошқариш тизимини автоматлаштириш жараёнига ўтган Ўзбекистондаги биринчи молия муассасаларидан бўлди. Бу ҳақда банк томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

— Бундан бир йил аввал банк "Хатарларни бошқариш тизими"ни автоматлаштириш ва бунда молиявий хатарларни бошқариш тизимини Finastra Fusion Risk негизда трансформация қилиш учун "FinExtra" МЧЖ компанияси билан ҳамкорликни бошлангандик, — дейди Акциядорлик тижорат Халқ банки бошқарув раиси Фарход Салимов. — Ушбу корхона катталиги бўйича дунёда 3-ўринда турувчи "Fintex" компаниясига қарашли Буюк Британиядаги "Finastra" компаниясининг эксклюзив ҳамкори ҳисобланади. "Fusion Risk" тизими ҳақида қисман тўхталадиган бўлсам, ундан бутун дунё бўйлаб 250 дан ортиқ ташкилот фойдаланишади. Ушбу тизим Societe Generale, European Bank, Erste Bank ва Альфа банк сингари бир қатор молия муассасаларида жорий этилган ва Республика Марказий банки талабларига ҳам тўлиқ мослаштирилган.

Жорий этилган тизим банкка хатарларни идентификация қилиш, кредит хатари, бозор таваккалчилиги, ликвидлик хатари, фойз ставкалари ўзгариши хатари, бошқарилувчи метрик хатарлар ва стресс-тест ўтказиш кабиларни бошқариш учун тўлиқ функцияни тақдим этади. Қолаверса, "Fusion Risk" тизими банк жараёнларини оптималлаштиришга имкон бериши ва МСФО талабларига мувофиқ ҳисоботларни тайёрлаш учун вақт ва меҳнат харажатларини анча даражада камайтириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шунингдек, анжуманда хорижлик эксперт Ҳамид Нироузиджанов ва банкнинг департамент бошликлари сўзга чиқиб, "Fusion Risk" тизимининг қўлайлик ва афзалликлари, ушбу тизим чет эл молия муассасаларидан кам фойзли кредитларни жалб қилишда ҳам муҳим ўрин тутуши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Парламент ҳисобот берди

Кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Парламент фаолияти: 2021 йил 6 ойлик яқунлари бўйича энг муҳим натижалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида парламент аъзоларининг ҳар ой охирига ҳафтасида ўз сайлов округларига чиқиб, аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни тизимли равишда ўрганиб бориш амалиёти изчил давом эттирилди. Хусусан, учрашувлар давомида депутатлар томонидан 6 550 та хонадонда учрашувлар ўтказилди. Уларда 98,6 мингдан зиёд фуқаро, шу жумладан 9 715 дан ортиқ тadbirkor билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди ҳамда 2 946 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан танишилди. Депутатларнинг мулоқотлари чоғида сайловчилар томонидан 11 763 та масала кўтарилди, шулардан 4 811 таси халқ вакиллари томонидан жойида ҳал этилди. Қолган муаммолар эса назоратга олинди.

Хусусан, ўтган даврда Қонунчилик палатаси мажлисларида Ҳукумат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан жами 11 мартаба ахбороти эшитилди ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 4 та парламент сўрови юборилди.

Ҳисобот даврида жойлардаги тизимли муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан яқиндан танишиш мақсадида кўйи палата мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш мақсадида 4 мартаба "ҳукумат соати" ўтказилди.

Шу билан бирга, қўмиталар томонидан тегишли тартибда 23 марта назорат-таҳлил тadbiri ўтказилди. Улардан 11 таси қонунлар ижросининг бориши, 3 таси давлат бюджети ижроси, 1 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонларининг ижроси ҳолатини ўрганишга қаратилган.



14-iyul, chorshanba, 2021-yil.
№27 (32669)

Хар йили одамларнинг уйида, иш жойида чироқ ўчади, газ босими пасайиб кетади, масъул ташкилотлар баёнотлари ҳам деярли ўзгармайди. Шунчаси етар, энди тизимни ўзгартириш ҳақида ўйлашимиз керак.



ФОТОРАДАР ВА КАМЕРАЛАР

ҳақидаги тўлиқ ҳақиқат қачон очилади?

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РАДАРЛАР, ЖАРИМАЛАР АДОЛАТЛИЛИГИ МАВЗУСИНИ КЎТАРГАНИ ҲАҚИДА ҲАР ХИЛ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛЯПТИ. ЎРГАНИШЛАРИМИЗ КИМЛАРГАДИР МАЪҚУЛ ТУШМАГАНИ ҲАҚИДА ГАПЛАР ҲАМ ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНЯПТИ. АСОСИЙСИ, ҚОНУН УСТУВОР БЎЛСИН, ҲЕЧ КИМ ЕМАГАН СОМСАСИ УЧУН ПУЛ ТЎЛАМАСИН.

РАДАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯШИРИНЧА ЎРНАТИЛИШИДАН АЗИЯТ ЧЕКАЁТГАН ҲАМРЮРТЛАРИМИЗНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ БИЗ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ВАЗИФАМИЗ, ДЕБ БИЛАМИЗ. МУҲИМ МАВЗУНИ БИР КЎТАРИБ, КЕЙИН ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИШ НИЯТИМИЗ ЙЎҚ. БИЗ БУ МАСАЛАДА ҚАТЪИЙ ТУРАМИЗ, ҚОНУНЧИЛИК ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЗАМОНГА МОСЛАШТИРИШ ТАКЛИФИ БИЛАН ЧИҚАМИЗ.

Қонунчилик палатасида уюштирилган давра суҳбатлари, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги чиқишларга қолдирилган изоҳларда жамоатчиликнинг масалага муносабати аниқ кўриняпти. Изоҳ қолдирувчиларнинг аксарият қисми жарималар пандемия даврида иқтисодий қийинчиликларга учраган инсонларга оғирлик қиларган маълум қилишган.

Сайловчилар билан учрашуларга бориб-келиш жараёнида шахсан ўзимиз ҳам шаҳарлараро йўлларда махсус белгиларсиз жойларга ўрнатилган радарлар ва ҳеч қандай эпикировкаси "писмайиб" турган автомобиллардаги радарларга кўп гувоҳ бўляпти.

Суриштириқ, ўрганиқ, шубҳали автомобилга ўрнатилган радарларда ҳайдовчиларнинг тезлигини назорат қилиш фақатгина Ўзбекистонда йўлга қўйилган экан. Бошқа

давлатларда тезликни кузатиш ва қайд этиб бориш махсус техника ва камераларга "ишониб" топширилган вақтда Ўзбекистонда бу иш билан йўл четига автомобилни қўйиб олиб, шубҳали радар воситасини автомобилга ўрнатиб олган айрим шахслар шўғулланишини қонунга хилоф, деб биламиз.

ХДПнинг радарлар бўйича ўрганишлари зое кетмади шекилли, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Ўзбекистон йўлларида ЙҲҚ бузилишини автоматик қайд этувчи мосламалар ҳақида маълумот берибди. Аммо айрим вилоятлардаги радарлар, айримларидаги камералар ҳақидаги маълумотлар очикланмади.

ЙҲҚББ маълумотида айрим вилоятларда фақат стационар фоторадарлар ҳақида маълумот берилган бўлса, айрим вилоятлар бўйича фақат камералар сони келтирилган.

Жумладан, Жиззахда 15 та, Сурхондарёда 4 та, Сирдарёда 11 та стационар фоторадар мавжуд экани айтилган, бироқ ушбу вилоятлардаги камералар ҳақидаги маълумот йўқ.

Хоразм, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича эса фақат камера ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Хоразмда 16 та, Андижонда 82 та, Наманганда 38 та камера мавжуд экан.

Айтиш жоиз, ички ишлар маълумотида жами 127 та стационар фоторадар очикланган. Бироқ республикадаги жами фоторадарлар сони бундан анча кўпроқ эканига ҳеч ким шубҳа қилмас керак. Қизиғи, бундан бир неча кун аввал ЙҲҚББ бошлиғи ўринбосари Эрали Бозоров парламентдаги йиғилишда бугунги кунда тизимда 271 та фоторадар мосламаси борлиги, уларнинг ҳаммаси онлайн тарзда марказга боғланганини маълум қилганди.

Партияимиз депутатлари ЙПХ ходимлари Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда экипировка қилинмаган энгил автомобиллардан фойдаланган ҳолда яширин усулда хизмат олиб бораётган ҳолатларни ноқонуний, деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик адолатли ва шаффоф тизим орқали аниқланиши зарур. Ички ишлар вазирлиги бу масалага жиддий эътибор бериши зарур, деб ҳисоблаймиз. Ҳар ҳолда ЙПХ ходимларининг мақсади ҳайдовчиларни қақшатиб, уларнинг "ҳамёнига ҳамла" қилиш эмас, балки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга эришишдан иборат бўлса керак.

**Шербек БЎРОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси.**

ТАШАБУСКОР ДЕПУТАТЛАР

масалани сессияга олиб чиқишди

Бу йилги қурғоқчилик лалмикор деҳқончилик билан туғулланувчи Деҳқонobod туман аҳолиси ва деҳқонларини қийин аҳволга солиб қўйди. Экилган экин майдонларининг 90 фоизи яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Деҳқонobod туман кенгашида қурғоқчилик оқибатларини қисман бартараф этиш, чорва моллари учун озуқа маҳсулотларининг нархини мувофиқлаштириш масалалари ўрганилди. Ахборот халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлигига тақдим этилган эди.

Ушбу тақлиф асосида "Аҳолининг куз-қиш мавсум-

ларида асосан ун маҳсулотига бўлган эҳтиёжини ва чорва молларини сақлаб қолиш учун юқори турувчи ташкилотлар ёрдамига таянган ҳолда аниқ тизим яратиш тўғрисида"ги масала ХДП депутатлик гуруҳи ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология масалалари бўйича доимий комиссияда қўшимча ўрганилди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 2 июлдаги 27-сессиясида атрофлича муҳокама қилинди.

Сессия қарори билан ишчи комиссияси тузилиб, комиссия зиммасига бу борада туман аҳолисини, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш бўйича тизимли вазибалар белгиланди.

ЎзХДП Деҳқонobod туман кенгаши.



ҚУРУҚ БАЁНОТЛАР ВА БАҲОНАЛАР ЖАМОАТЧИ- ЛИКНИ ЧАРЧАТДИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИЛАРИДАН БЎЛГАН, ТАРИХДА ЭНГ КАТТА ИМПЕРИЯЛАРДАН БИРИНИ БАРПО ЭТГАН АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ДАВЛАТЧИЛИК СИЁСАТИ МУҲИМ ТЎҚҚИЗ ҚОИДАГА АСОСЛАНГАН. БУГУНГИ КУНДА ҲАМ УШБУ ҚОИДАЛАР ЎЗ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН ВА МАМЛАКАТНИ БОШҚАРИШДА УЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНМОҚДА.

АММО "ИНСОН ОМИЛИ", ДЕГАН ТУШУНЧА ПАЙДО БЎЛДИКИ, ДАВЛАТ РАҲБАРИЯТИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОН, ҚАРОР КАБИ КЎРСАТМАЛАР Ё ТЎЛИҚ БАЖАРИЛМАЯПТИ ЁКИ УНИНГ МОҲИЯТИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРИЛЯПТИ.



» "ТИЗИМ ЎЗИ ЭСКИ ЭДИ", "МАБЛАҒ БЕРИЛМАС ЭДИ", "ҲАЛИ ҲАМ АМАЛЛАБ ТУРИБМИЗ", ДЕГАНГА ЎХШАШ ҚУРУҚ БАЁНОТЛАР ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЧАРЧАТДИ, ЭҲТИМОЛ, ШУНИНГ УЧУН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА НОРОЗИ КАЙФИЯТДАГИ ФИКРЛАР КЎПАЙДИ.

Мисол учун, аҳоли кунда эҳтиёж сезадиган коммунал хизматлар соҳасини олсак. Аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, йўллар, телефон ва интернет алоқаси билан таъминлашни яхшилаш юзасидан аниқ қарор ва кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижроси учун маблағлар ажратилмоқда. Зарур ҳолларда хорижий кредитлар жалб қилинмоқда.

Лекин охир-оқибат реал вазият яхшиланмаяпти, айнан коммунал соҳадан шикоятлар камаймаяпти. Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилишнинг, айниқса, пандемия ва дунёда кечаётган иқтисодий инкироз даврида имкони йўқлигини тушуниш мумкин. Яширмасдан, ёлғон аралаштирмасдан, ҳар хил баҳоналар тўқимасдан ҳақиқий ҳолат ҳақида ахборот бериш шунчалик қийинми?

Фикримча, коммунал соҳага масъул мутасаддилар кейинги йилларда реал иш ўрнига, кўпроқ чиройли баҳоналар ўйлаб топишга уста бўлиб кетдилар. "Тизим ўзи эски эди", "маблағ берилмас эди", "ҳали ҳам амаллаб турибмиз", деганга ўхшаш қуруқ баёнотлар жамоатчиликни чарчатди, эҳтимол шунинг учун ижтимоий тармоқларда норози кайфиятдаги фикрлар кўпайди. Баландпарвоз гаплардан ҳеч кимга фойда йўқ, бизнинг аниқ тақлифларимиз бор.

1. Коммунал хизмат турлари бўйича ҳар бир абонент билан ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб юридик статусга эга бўлган шартномалар тузилиши керак. Шартномада ҳар иккала томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартнома моддалари бузилган ҳолатда кўриладиган чоралар аниқ белгиланиши ва иккала томоннинг манфаатлари ҳимояланиши лозим.

2. Фуқароларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар тури, ҳажми, тарифлари қонуний белгиланиши, бунинг учун коммунал хизматлар ва тарифлар тўғрисида қонун қабул қилиш керак.

3. Аҳолининг фойдаланган коммунал хизматлари ва тўланган маблағлар ҳақида маълумотлар шаффофлигини таъминлаш, тизимни тўлиқ рақамлаштириш зарур.

4. Аҳолининг кам даромадли ва ёрдамга муҳтож қатлами учун асосланган имтиёзлар тизимини шакллантириш керак.

5. Худудларда соҳа фаолиятини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назоратга олиши, соҳа раҳбарларининг ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш тўғриси бўлади.

Ҳар йили одамларнинг уйида, иш жойида чироқ ўчади, газ босими пасайиб кетади, масъул ташкилотлар баёнотлари ҳам деярли ўзгармайди. Шунчаси етар, энди тизимни ўзгартириш ҳақида ўйлашимиз керак.

**Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси.**

Инспектор бутун маҳалла аҳлини ўзининг характериға бўйсиндириш ҳақида эмас, маҳалла муҳити ва кайфиятидан келиб чиқиб, маданият билан иш юритиши керак.



«КЎРҚСА, ҲУРМАТ ҚИЛАДИ»

БУ ГАПНИ БУТУНЛАЙ УНУТИШ КЕРАК



Профилактика инспектори қандай инсон бўлиши керак?..

Менимча, у инсонлар ишона оладиган, аҳоли билан қонун ва ахлоқ меъёрларига амал қилган ҳолда гаплаша оладиган, руҳан кучли шахс бўлиши лозим.

Отам ички ишлар соҳасида ишлаган. Оиламизда одатда отам бирор масалада фикр сўрасалар ўйланиб қолардик, сабаби ҳеч қачон хаёлларидаги асл мақсадларини англай олмаганмиз. Саволларига жавобимизни айтганимиздан сўнг, асл мақсадларини, хатоларимизни ўзимиз орқали англата олишлари доимо менга кучли таъсир ўтказган.

Ижтимоий тармоқларда Шайхонтохур туманидаги аҳоли ҳамда профилактика инспектори майор Улуғбек Яхшибоев билан бўлиб ўтган хунук манзарадан олинган видео тарқалди. ИИБ матбуот хизмати расмий муносабат билдирди. «Видеотасвирда кўриб турганингиздек, ушбу маҳалла аҳолиси ички ишлар органи ходимининг фаолиятига фаол қаршилик кўрсатишган, вазиятни билмасдан, ҳолатни тўлиқ ўрганмасдан, профилактика инспектори билан конструктив тарзда суҳбатлашмасдан, унга қўполлик қилишган, унинг хизмат кийимига шикаст етказишган. Ҳозирда мазкур



**ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ КУЧЛИ
ПСИХОЛОГ, МУРАККАБ
ВАЗИЯТЛАРДА ТАРТИБНИ
САҚЛАЙ ОЛАДИГАН,
ТЎҒРИ ҲАРАКАТ
ҚИЛАЁТГАНИ БЎЙИЧА
ОДАМЛАРНИ ИШОНТИРА
ОЛАДИГАН БЎЛИШИ
ЗАРУР. ИШОНЧ ЭСА
ОМОНАТ, ОМОНАТГА
ХИЁНАТ ҚИЛМАСЛИК
ОРҚАЛИ ҲУРМАТ ҚОЗОНА
ОЛИНАДИ.
АГАР ИНСПЕКТОР
“МЕН ОРГАН
ВАКИЛИМАН, ҲАММА
МЕНДАН КЎРҚИШИ ВА
АЙТГАНИМНИ СЎЗСИЗ
БАЖАРИШ ЗАРУР”, ДЕГАН
УМРИ ТУГАГАН ТУШУНЧА
БИЛАН ИШЛАСА, ҲЕЧ
ҚАЧОН ҲУРМАТ ТОПА
ОЛМАЙДИ.**

ҳолат юзасидан қонуний қарор қабул қилиш учун текширув ўтказилмоқда», дейилади хабарда.

Менинг назаримда, ИИБ масаланинг яна бошқа томони тўғрисида жиддий ўйлаши керак. Расмий муносабатда ходимнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришлари айтиб ўтилган, бунга менда умуман шубҳа йўқ.

Бироқ, маънавий ёки психологик тарафлари ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Профилактика

инспектори чиндан ҳам ҳозирги талабларни тўлиқ бажарса, ҳалқнинг ишончини қозона олганда, унинг ҳаракатларига аҳоли қаршилик қилмасди. Аксинча, ёрдамга шошишарди.

Тарқалган видеога бир фуқаро «мана, менинг дўконимга ўғри тушган, ўша билан шўғулланнинг» деяётганидан ҳам англаш мумкинки, профилактика инспекторининг фаолиятига нисбатан маҳалла аҳлида ўзига хос хулоса борлигини англаш қийин эмас.

Тўғри, ҳар бир инсонда ўзига хос характер шаклланган бўлади, профилактика инспекторлари ҳам бу хусусиятдан холи эмас. Лекин инспектор бутун маҳалла аҳлини ўзининг характериға бўйсиндириш ҳақида эмас, маҳалла муҳити ва кайфиятидан келиб чиқиб, маданият билан иш юритиши керак.

Бир неча йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаганман, ўқувчиларга чиндан қайғуриб, мактабда сифатли таълим берадиган ўқитувчи томонидан болаларга баъзан қўполлик қилинса ҳам ота-оналар эътироз билдирмасди, сабаби ота-онанинг ишончини қозонган ўқитувчини ҳурмат қилишди. Бошқа соҳаларда ҳам худди шундай: вазифини виждонан бажарган инсонларга ишонч бор, ишонч эса ҳурматнинг асосий омили.

Профилактика инспекторлари ҳам ишончини қозониб, ҳалқнинг ичига кириб боришмас экан, бу каби кўнгилсизликлар давом этаверди. Профилактика инспектори кучли психолог, мураккаб вазиятларда тартибни сақлай оладиган, тўғри ҳаракат қилаётгани бўйича одамларни ишонтира оладиган бўлиши зарур. Ишонч эса омонат, омонатга хиёнат қилмаслик орқали ҳурмат қозона олинади.

Агар инспектор «мен орган вакилиман, ҳамма мендан кўрқиши ва айтганимни сўзсиз бажариш зарур», деган умри тугаган тушунча билан ишласа, ҳеч қачон ҳурмат топа олмайди.

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси.**

Туман Кенгашида ДЕПУТАТЛИК УЧУН КУРАШ БОШЛАНДИ

2021 йил 4 июль куни Яшнобод туман Кенгашидаги бўшаб қолган депутатлик ўрни учун сайлов ўтказилди. Тумандаги 156-мактаб 522-сайлов участкасида қоидабузарлик кузатилди. Овоз бериш жараёни қўпол қонунбузарлик билан якунланди. Комиссия аъзолари ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли шов-шув кўтаришди. Сайлов участкаси комиссияси аъзоларига нисбатан қонуний чора кўрилди.



Мурасиз сиёсий кураш олиб борилган жараёнда қонунбузилиш ҳолатларига кўз юмилмади. Аксинча, сунъий равишда овозлар сонини оширишга бўлган уринишлар оммага ҳавола этилди. Шахсан комиссия таркибида бўлган фуқарога тегишли тартибда жавобгарлик белгиланди. Кескин баҳс-мунозаралар, келишмовчиликлар кузатилиши натижасида сайлов қайта ўтказиладиган бўлди.

Баъзилар рўйхат қилинади, кимнинг сайланиши олдиндан маълум бўлади, деган фикрларни билдиради. Агар ушбу қарашлар ҳақиқат бўлганида биргина бўшаб қолган ўрин учун шунча кураш олиб борилмас ва сайлов қайта-қайта ўтказилмас эди. Туман даражасида бошланган бундай кескин бурилиш сайловларга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгаришига, шаффофлик ҳамда очиқлик таъминланишига хизмат қилади.

Овоз бериш жараёнида сохта бюллетенлар ва уларни қўтига ташлашга ҳаракат қилганлар ҳам бўлди. Буним кимдир қоралади, муҳокамаларда жазога тортилиши керак, деган иддаолар авж олди. Аслида, ҳақиқий кураш кетган жойда ғалаба учун қўлланилган ҳар қандай усул оқланади. Тўғри, уларнинг қонунни бузишга ҳақлари йўқ. Бироқ ўринга эга бўлиш мақсадида қалтис ишларга қўл уриши жараёнинг табиийлигини исботлайди. Зотан, бутун дунё таърибасида сайловлар силлиқ кечмайди. Тортишувлар, баҳслар, керак бўлса, жанжаллар билан ўтади. Сабаби, бу сиёсий жанг майдони ва унда ғалаба учун кураш олиб борилади.

**«БИТТА ПАСПОРТ БИТТА ОВОЗ
ТАМОЙИЛИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНДИ.
ШУНГА ҚАРАМАСДАН, ҲЕЧ ҚАЙСИ
НОМЗОД 50+1 ОВОЗНИ ОЛМАДИ.
ОВОЗЛАРДАГИ КЕСКИН ТАФОВУТНИНГ
ЙЎҚЛИГИ ҲАҚҚОНИЙЛИКДАН ДАЛОЛАТ
БЕРАДИ.**

**Озода БУЗРУКХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Яшнобод туман кенгаши раиси:**
— 156-мактабда бўлиб ўтган биринчи сайловда «Миллий тикланиш» партиясининг кузатувчиси кўчага чиқиш қонунда тақиқланган, яшиқларни олиб кетиш мумкин эмас, фақатгина рўйхатга олинган 15 кишининг хонадонига бориш мумкин, деган вазият кўрсатиб, жанжалга сабаб бўлди.

Иккинчи марта паспортсиз, лекин телефонида унинг электрон нусхаси билан келганлар бўлди. Ушбу ҳолатга ҳам қарши чиқилди. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг оригинали бўлиши мажбурий, деб айтилди. Сайлов комиссияси аъзолари ҳам таранглик билан кунни ўтказди. Ҳамма чарчаган эди. Овоз бериш жараёнига тўққонлик қилмоқчи бўлганларга нисбатан қўпол сўзлар ишлатишга мажбур бўлди.

Сайловчилар орасида овоз беришга чиқмайдиганлар ёки оилавий паспортни йиғиб олиб келадиганлар ҳали ҳам бор. Лекин битта паспорт битта овоз тамойилига қатъий амал қилинди. Шунга қарамасдан, ҳеч қайси номзод 50+1 овозни олмади. Овозлардаги кескин тафовутнинг йўқлиги ҳаққонийликдан далолат беради. Кейинги сайловда энг юқори овоз тўплаган икки номзод депутатлик ўрни учун курашади.

Биринчи сайловда ХДПдан кўрсатилган номзод энг юқори овозга эга бўлган эди. Бу сафар эса Экология партияси олдинга ўтиб кетган. Тўғри, улар дарахтларга ишлов бериш ва яна бошқа ишларини олиб борган. Амалий ҳаракат эса одамларда ишончни юзага келтиради. Сайловдаги ҳақиқий тортишувлар демократиянинг куртаклари каби умид беради.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНING МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ

2021 йил 6 ой давомида

Фракцияга фуқаролар томонидан ёзма, виртуал ва оғзаки муурожаатлар келиб тушган

1566

Қонунчиликка асосан тегишлилиги бўйича вазирлик ва ташкилотларга юборилиб, муҳокамалар ўтказилди

817

Ижобий ҳал этишга эришилди

642

62

Фракция аъзолари томонидан депутатлик сўровларининг юборилган барчасига жавоблар олинди.

30

Депутатлик сўровларида баён этилган масалалар ўз ижобий ечимини топди.

14-iyul, chorshanba, 2021-yil.
№27 (32669)

СОАТ 20:00. ЁПИНГ!

КОРОНАВИРУС БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ИНОБАТГА ОЛИНИБ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА БИР ҚАТОР ТАРТИБ ВА ЧЕКЛОВЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

ХУСУСАН, 28 ИЮНДАН КҮНГИЛОЧАР ВА ОВҚАТЛАНИШ ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧЕКЛОВ ҲАТТИЛДИ. РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ КҮНГИЛОЧАР ОБЪЕКТЛАР – РЕСТОРАН, ТУНГИ КЛУБЛАР, ДИСКОТЕКА, КАРАОКЕ, БИЛЯРД ЗАЛЛАРИ ВА КОМПЬЮТЕР ҲАМДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ОБЪЕКТЛАРИ – КАФЕ, ОШХОНА, ЧОЙХОНАЛАРНИНГ ИШЛАШ ВАҚТИ СОАТ 8:00 ДАН 20:00 ГАЧА ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ, ЯЪНИ ЧЕКЛОВ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. КҮНГИЛОЧАР ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ОБЪЕКТЛАРИДА УМУМИЙ СИҒИМНИНГ 50 ФОИЗИДАН ҚАТЪЙ ОШИРМАГАН ҲОЛДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИЛАНГАН ЭДИ. КУНИ КЕЧА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШГАНДАГИНА УШБУ ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ. ДЕМАК, РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН ЧОРАЛАРИ ТЎХТАТИЛГАН ИҲҚ.

Бугунги кунда 9802 та умумий овқатланиш объекти ишлаб турибди, уларнинг 1097 та шохобчаси мавжуд. Шунча жой кечки 20:00 дан кейин бирдангина ёпилмоқда.

Тўғри, жаҳонда коронавирус билан боғлиқ вазият барқарорлашгани йўқ. Айниқса, охири кунларда касалланишнинг кунлик ҳолатлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бу барчани жиддий ташвишга солмоқда. Вазият кескинлашувининг олдини олиш, касалланиш авж олиб кетмаслиги учун карантин, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар фаолиятини чеклаш зарурати бордир. Фақат бир масала одамни ўйлантириб қўяди, чекловлар вирус тарқалиши хавфи билан қанчалик қатъий алоқадор? Зарурати аниқ исботланмаган, вирус тарқалишига қарши самарали экани кафолатланмаган чекловлардан одамлар азият чекмайди? Ошхона, кафе ва рестороанларда кунбай иш ҳақи олиб келаётган юз минглаб фуқароларнинг манфаати нима бўлади?

Алишер Баҳриддинов, "Эмир" кафеси директори:

– Атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаммамиз кўриб, олиб турибмиз. Касалланиш ҳолатлари кўпайиб борапти, бу албатта ташвишланарли. Тўғри, ҳаммамиз бирлашиб вирус занжирини узишимиз керак. Бунга эътироз билдиришга ҳақимиз ҳам йўқ. Лекин бунга фақат овқатланиш шохобчалари фаолиятига чекловлар ўрнатиш билан эришиб бўлмайди-ку. Ошхоналар, кафе ва рестороанлар кечки 20:00 дан кейин ёпилди ҳам дейлик, лекин оммавий тадбирлар, йиғилишлар, тўйлар бўлди-ку. Жамоат транспортларида йўловчи лиқ тўла, бозорлар гавжум. Адолат қани?..

Келинг, яхшиси, вазиятни фаолиятимиздан келиб чиқиб таҳлил қилиб бераман. Ёз кунларида одатда соат саккиздан кейин кечки овқат тановул қилинади. Айниқса, шаҳарларда кўп қаватли уйларида яшовчилар кечки овқат баҳонасида дам олишни, ҳордиқ чиқаришни хоҳлашади. Мижозларимиз ҳам кўпроқ шу пайтда келишади. Аммо бундай пайтда ошхонани ёпишга тўғри келяпти. Бу тушумимизга ҳам таъсир этапти, ишчиларимизнинг даромади пасаймоқда. Чунки биз кунлик даромадимизнинг асосий қисмини кечки пайтда қиламиз.

Ошхоналар, кафе ва рестороанлар кечки 20:00 дан кейин ёпилди ҳам дейлик, лекин оммавий тадбирлар, йиғилишлар, тўйлар бўлди-ку. Жамоат транспортларида йўловчи лиқ тўла, бозорлар гавжум. Адолат қани?..

Маълумки, 5 июлдан барча турдаги оммавий тадбирларни ўтказиш тўхтатилиши маълум қилинди. Шундайликка шундайку, лекин даромадини йўқотаётган, ишидан айрилаётган юз минглаб фуқароларга зиён келтирадиган қарорлар ва чекловлар ҳақида мантиқни кенгроқ қўйиб, кўнгилини кенгроқ тутиб ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Кафемизда 7 нафар ишчимиз бор, шундоғ ҳам ўтган йили кўп ишчиларимиз қийналиб қолган эди. Ҳозир тушум кам, харажатлар катта. Ишчиларимизни қисқартиришга мажбур бўлдим, бошқа иложимиз йўқ, ахир. Ўтган йилги карантин пайтларида солиқ бўйича имтиёзлар берилган эди. Шунинг ҳисобига ўзимизни тиклаб олдик. Лекин бу йил бу масалада лом-мим дейишмаяпти. Солиқ тўлаямизку, шунга яраша даромадимиз ҳам бўлиши керак. Ишчиларимизнинг ҳам бола-чақаси, оиласи бор, ахир. Назорат қиладиган органлар ҳар куни келишади, ишлаяптими, йўқми,

деб кўриб кетишади. Тўғриси, 20:00 дан кейин келадиган мижозларимиз жуда кўп, чеклов қатъий, жарима катта, мажбуримиз уларни қайтаришга.

Мақолани тайёрлаш жараёнида яна бошқа умумий овқатланиш шохобчаларига ҳам бордик. Очиги, улар махсус комиссиянинг бу қароридан норозилигини бот-бот таъкидлашди. Лекин негадир исм-фамилияларини, иш жойларини ошкор қилишни истамади. Материал чоп этилгандан кейин назорат қилувчи органлар ходимлари босими остида қолишдан чўчишди, назаримизда.

Ўтган йили умумий овқатланиш шохобчалари учун 1 октябрга қадар мол-мулк, ер ва сув солиқлари бўйича қардорликнинг мажбурий ундируви тўхтатиб турилиб, пеня ҳисобланмаган эди. Ёки бўлмасам давлат мулки объектларидан ижара шартномаси асосида умумий овқатланиш, ўқув марказлари, жисмоний тарбия, спорт, туризм ва бошқа соҳаларда фойдаланиб келаётган, аммо карантин сабабли фаолияти вақтинча тўхтатилган тадбиркорлик субъектларига фойдаланмаган даври учун ҳеч қандай ижара пули ҳисобланмай, тўланмаган эди. Бу йилчи?..

Шу масаладаги саволларга жавоб топиш учун давлат солиқ хизмати органлари ходимларига мурожаат қилдик. Уларнинг айтишича, ҳеч қандай имтиёз кўзда тутилмаган.

Кеча тушликка ишхонамизга яқин бўлган кафега бордик. У ерда карантин қоидаларига қай тартибда риоя этилаётганини кузатдим. Кафе эшигига кирверишингиз билан "имитимос, қўлингизни ювиб олинг", деб эслатиб қўйишади. Кейин антисептик восита беришади. Столлар оралиғидаги масофа ҳам бир-бирдан анча узоқда. Официантлар қўлқоп ва тиббий ниқобда. Хоналарнинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туришибди. Тушлик қилиб чиқишимиз биланоқ, бекатда тўхтаб турган автобусга кўзим тушди. Йўловчи жуда кўп, ниқобсизлар ҳам... Ўйлаб қолдим, санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган кафе ва рестороанларда вирус юқадими-ю, жамоат транспортларида юқмай-дими?

Ўтган йилги карантин чекловлари масофадан меҳнат қила олмайдиган ходимларни яғна ва кунлик даромад манбаларидан маҳрум қилган эди. Қанчадан-қанча кам таъминланган оилалар қаторида улар ҳам азият чекди, кўплар ишидан айрилди.

Шўҳрат Юсупов, официант:

– Отам биз ёшлигимизда дунёдан ўтган, онам анчадан бери касал, 2 нафар синглим бор. Институтга ўқишга оилавий шароитимиз тўғри келмади. Кафе ва рестороанларда официантлик қилиб тирикчилик қиламиз, онамга дори-дармон олиб бораман. Бир кунда 70-80 минггача, миқоз кўп келган кунлари 100 минг ва баъзан ундан ортиқ ҳам тўлашарди. Лекин ҳозир даромадимиз анча камайди, чунки кафенинг ўзида тушум кам. Шунинг учун иш қидириб юрибмиз. Каердандир тирикчилик қилиш керак-ку. Моддий таъминотимиз ҳам тугади...

Шўҳрат вируснинг тарқалишига қарши курашда карантин катта аҳамиятга эгалигини яхши англаши, лекин айрим чекловларда доимий даромад манбаига эга бўлмаган оддий одамларнинг манфаатлари ҳисобга олинмаганини алоҳида таъкидлади.

Иқтисодчи, Гарвард университети докторанти ва илмий тадқиқотчиси Ботир Қобилоннинг газета.uz сайтыда "Пандемия ва иқтисодий кома: Яшаб қолиш режими" сарлавҳаси остида мулоҳазалар баён этилган эди. Хусусан, унда шундай фикрлар бор: "...Корхона пандемия вақтида ишламаётганига қарамадан, ойликларни тўлашда давом этишдан ташқари, ўз ижара тўловлари, коммунал тўловлар, қарзлар бўйича фойзалар ҳамда бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ҳаётан зарур бўлган бошқа харажатларни амалга ошириши лозим.

Мамлакатимизда қарийб барча нарса: банклар, коммунал корхоналар, кўнмас мулкнинг катта қисми давлатга тегишли бўлгани боис бизнесдан ижара ҳақи, кредитлар бўйича фойзалар ва коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик тўхтатиб туриш бугун (келажакда эмас) тезлик билан амалга оширилиши лозим ва буни тўғридан-тўғри ёрдам, деб ҳисоблаш мумкин.

Аввал ҳам таъкидланганидек, бу дастур иқтисодиётни рағбатлантириш сифатида кўрилмаслиги керак. Чунки карантин вақтида биз одамлар бу пулларни бир жойга тўпланиши ёки ишга қайтишга мажбур қиладиган ҳар қандай фаолият ёхуд истеъмол учун сарфлашларини унчалик ҳам хоҳламаймиз. Бу жисмоний масофа сақлаш ва ўз-ўзини изоляция қилиш талабларига зид келади.

Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётни қандай қилиб рағбатлантириш, қандай қилиб аввалги ЯИМ кўрсаткичларини қайтариш, йўқотилган ресурсларни қайта тиклашга диққат қаратмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига одамлар оч қолмасликларни учун уларни том маънода боқиш керак..."

Албатта, реал вазиятдан келиб чиқиб қаралганда, кўнгилочар ва овқатланиш объектлари фаолиятига ўрнатилган чекловлар уларни ўрнатган, ўзини ҳақ, деб биланлар учун тўғридир. Кўпчилик эса бундай фикрда эмас. Мақолани тайёрлаш жараёнида одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганганимизда ҳам бунга амин бўлдик.

Маълумки, 5 июлдан барча турдаги оммавий тадбирларни ўтказиш тўхтатилиши маълум қилинди. Шундайликка шундайку, лекин даромадини йўқотаётган, ишидан айрилаётган юз минглаб фуқароларга зиён келтирадиган қарорлар ва чекловлар ҳақида мантиқни кенгроқ қўйиб, кўнгилини кенгроқ тутиб ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

ТАРБИЯ ҲАЁТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ



22 йилдан буён бошланғич таълим фани ўқитувчиси-ман. Бу йил мактабни битираётган ўқувчилар ҳам менинг шогирдларим. Улардан умидим катта. 2 нафари олтин медаль билан тугатди. Қолганлари ҳам олий ўқув юртига кириш учун пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Таълим бериш – ўқувчининг тафаккур қамровини юксалтиришга қаратилган педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида ўқувчилар ақлий фаолиятининг ривожланиши таъминланади. Айниқса, бошланғич таълим фарзандларимиз билимларининг пойдевори ҳисобланади. Қадимги қўлэмалардан бирида «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни

шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин», дейилган.

Бошланғич таълим ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур қила олиши, ақлий ривожланиш ва дунёқарошни кенгайтириш салоҳиятига эга бўлиши, моддий ва маънавий гўзалликни ҳис қила олиши ҳамда миллий бойликларимиздан завқлана олишни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим беришда биз бир неча методларидан фойдаланяпмиз. Бу ўқувчиларнинг эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилиш, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олиш, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгалланган билимларини қўллашга ўргатади. Замонавий бошланғич таълимда ўқитувчи кўйидаги ижодий-амалий малакаларни ўзлаштира олиши зарур: алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш, ўқув материални турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш, ўзига хос, ноодатий ўқув материални тайёрлаш, кўрсатмалли қуроллар тўпламини яратиш масалаларига эътиборли бўлиш зарур.

Бошланғич таълим ўқитувчиси, шунингдек, ўқувчилар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш, педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан яқин муносабат ўрнатиш, ўқувчиларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш, топшириқлар юзасидан ўқувчининг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш, ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, жамоада соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, ўқувчиларни рағбатлантиришга аҳамият қаратиши талаб этилади. Бу, албатта, болажонларнинг ақлий ривожланишини оширади, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида дўстона муносабатларни кучайтиради.

Сайёра НУРМУРАТОВА, Самарқанд вилоят Қўшработ туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК

ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ҲАЁТИ



ХАЛҚИМИЗ ОЗОД ВА ОБОД ҲАЁТИМИЗНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРГАН ШОНЛИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИВ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА. "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК" ШИОРИ ОСТИДАГИ ТУРЛИ ТАДБИРЛАР, ЁШЛАР ФЕСТИВАЛЛАРИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАЗМУН-МОҲИЯТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

ЯНГИЛАНГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЮРТИМИЗНИНГ УЗОҚ-УЗОҚ КЕНГЛИКЛАРИ, ҚҶЙ-ҚҶЗИЛАРГА ТЎЛА ЯЙЛОВЛАРИ, ЯШНАБ ТУРГАН БОҒ-РОҒЛАРИ, ПОЛИЗЛАРИ, ЕР ОСТИ, ЕР УСТИ МАЪДАНЛАРИДАН ИШГА ТУШГАН ҚОРҲОНА, ЗАВОД-ФАБРИКАЛАРИ... БУЛАРНИНГ БАРЧАСИДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИГА, БУ ҚАДИМ ОТА-МАКОНГА ҚАМЕҲ, ЭЪТИБОР, ҒАМХЎРЛИКНИ ҲИС ҚИЛИБ ТУРИБИМИЗ.

Миллий маданият, маънавият, адабиёт, санъат барча халқлар сингари қорақалпоқ халқини ҳам ҳамisha бахтли ва фаровон ҳаётга руҳлантириб келмоқда. Халқ оғзаки ижодидан бошланган жиров, бахшичилик санъати бугунги кунга келиб жаҳон сахналарида миллий симфоник оркестр иштирокида ижро этиладиган етук санъатга айланди. Бунда халқ ҳофизлари, театр актёрлари, опера ижрочилари, эстрада жамоалари, ёш томошабинлар, кўғирчоқ театри актёрларининг ижодий фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга.

Нукус давлат санъат ва маданият институти, опера ва бахшичилик санъати мактаби фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон давлат консерваторияси филиали ташкил қилиниб, Бердақ номидаги қорақалпоқ академик муסיқали ҳамда ёш томошабинлар театрлари қайта таъмирланди. Ажиниёз "Гулойим", "Тўмарис" операси сахнага чиқди. Қатор музикали, драмалар, балетлар яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждод-

лар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз. Шу маънода номоддий маданий мерос хазинаси адабиёт намоёндаларининг ижод намуналари билан асрлар давомида тўлдирилиб, бойитиб келинапти.

Масалан, Ибройим Юсуповнинг адабиётда тутган ўрнига баҳо берган буюк ёзувчи ва шоирлардан Расул Ҳамзатов, уни "қалбларни даволовчи шоир" дейди, Чингиз Айтматов унинг шеъриятини кишини "ҳайратга солувчи" шеърият сифатида баҳолайди, Қайсин Қулиев шоирни туркийзабон халқларнинг улкан адиби даражасида кўради.

"Қорақалпоқ адабиёти" газетаси чиқа бошлаганига бу йил 10 йил бўлди. Газетамиз қорақалпоқ, ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп қилинади. Интернет тармоғида ҳам "Қорақалпоқ адабиёти" сайти ишлаб турибди. Қорақалпоқ, ўзбек адиблари ижоди рус, инглиз тилларда, дунё шеърияти, жаҳон адабиёти намоёндалари асарларини ўзбек, қорақалпоқ тилларида ўқувчиларга етказиб бермоқдамиз.

Бугунги кунда янги Ўзбекистон киёфасида янги Қорақалпоғистон шаклланимоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида кўп марта айтилган

«ИБРОЙИМ ЮСУПОВНИНГ АДАБИЁТДА ТУТГАН ЎРНИГА БАҲО БЕРГАН БУЮК ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРДАН РАСУЛ ҲАМЗАТОВ, УНИ "ҚАЛБЛАРНИ ДАВОЛОВЧИ ШОИР" ДЕЙДИ, ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ УНИНГ ШЕЪРИЯТИНИ КИШИНИ "ҲАЙРАТГА СОЛУВЧИ" ШЕЪРИЯТ СИФАТИДА БАҲОЛАЙДИ, ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ ШОИРНИ ТУРКИЙЗАБОН ХАЛҚЛАРНИНГ УЛКАН АДИБИ ДАРАЖАСИДА КЎРАДИ.

бўлса ҳам Мўйноқ туманида амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш кифоя. Хусусан, туманда 20 та кўп қаватли уй-жой қурилди, 100 километр масофадан ичимлик сув олиб келинди. Кўплаб корхоналар, ижтимоий объектлар ишга туширилди ва янгиларини барпо этиш давом этмоқда. "Мўйноқ аэропорти" янги лойиҳа асосида қайтадан қурилди. "Оқ кема" болалар оромгоҳида фарзандларимиз яйраб дам олмақда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинди. Бу резолюция Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш, бу ҳудудда экологик вазиятни янада яхшилаш чора-тадбирларини амал-

га ошириш юзасидан олиб борилаётган кўламли ишлар, Оролбўйи минтақаси учун ҳамкорлар билан "Траст" фондининг ташкил этилгани ва кўплаб жамғармалар, дастурларнинг янада самарали бўлиши учун хизмат қилади. Шунингдек, сув тежовчи технологиялар ишлаб чиқишига, инвестициялар жалб этилиши, айниқса, экотуризмнинг ривожланиши, экологик миграциянинг олдини олиш учун кенг йўл очиб беради.

Қорақалпоғистондаги яна бир муҳим ўзгариш бу мактабларнинг ҳолати яхшиланиб бораётганидир. Хусусан, ҳудудда 29 та мактабни қуриш-таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан катта маблағлар ажратилди. Натижада кимё-биология, математика, ахборот технологиялари ихтисослашган 15 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Нукус шаҳрида 16 қаватли "АЙТИ-PARK" фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшларнинг кўплаб лойиҳалари амалга оширилади, ахборот-коммуникация технологиялари музейи, кўрғазма ва ўқиш хоналари ташкил этилади ҳамда мингдан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланади.

2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори диёримиз учун тарихий ҳужжат бўлди. Мазкур қарорда халқнинг ҳаётини яхшилаш ҳамда соҳаларни жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган 3 мингга яқин лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш кўзда тутилган.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили" бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 75 та банддан иборат ҳудудий дастур тасдиқланди. Дастур ижроси таъминланиб, жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот 104,5 фоизга, жумладан, саноат 109,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги 102,9 фоизга, қурилиш 101,6 фоизга, хизмат кўрсатиш 106,9 фоизга ўсиши таъминланди.

2021 йил якунига қадар умумий қиймати 5 триллион 323 миллиард сўм бўлган 593 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш ва 10 минг 588 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Айни пайтгача қиймати 437,9 миллиард сўмлик 207 та лойиҳани ишга туширишга ва 2 883 та янги иш ўрни яратишга эришилди.

Саноат соҳасида жорий йилда 158 та лойиҳа бўйича 3 триллион 366 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 4 573 та янги иш ўрни яратилди. Биринчи июнь ҳолатига қиймати 152,1 миллиард сўмлик 51 та лойиҳа ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш кимё-биология бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам Оролбўйида яшовчи бутун халқимиз тақдирига дахлдор бўлган, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратадиган муҳим ҳужжат бўлди. Айни чоғда деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланувчи кластер ва фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириб, янги марраларга руҳлантирди. Негаки, сув барча ҳудудларда ҳам ҳаёт манбаи ҳисобланади. Лекин Амударёнинг энг қуйи қисмида жойлашган Қорақалпоғистон учун, таъбир жоиз бўлса, сув ҳаёт-мамот масаласидир.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилишга, барча соҳаларни ривожлантиришга қаратилган муҳим қарорларни қорақалпоғистонликларнинг кўнглини кўтармоқда. Эртанги кунга бўлган ишончини, меҳнат қилишга бўлган шижоатини янада юксалтирмоқда.

Мустақилликнинг 30 йиллиги арафасида бу ютуқ ва муваффақиятларни қайта-қайта эътироф этгани ва бу улғу байрамни кўтаринлик билан кутиб оламиз.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси, "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси бош муҳаррири.

ИЧИНГ, ИНФАРКТ БЎЛАСИЗ

ҚОНУНГА КЎРА, "ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР — ТАРКИБИДА 150 МГ/Л.ДАН ОРТИК МИҚДОРДА КОФЕИН ВА (ЎКИ) ИНСОН ОРГАНИЗМИГА ТОНУСНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ТАЪСИР КЎРСАТИШ УЧУН ЕТАРЛИ МИҚДОРДАГИ БОШҚА КОМПОНЕНТЛАР МАВЖУД БЎЛГАН ИЧИМЛИКЛАР", ДЕЙИЛАДИ. БУ ТУРДАГИ ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА КЎПЧИЛИК ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАС, УЛАРНИНГ ЗАРАРИ ХУСУСИДА ТУРЛИ ҚАРАМА-ҚАРШИ ФИКРЛАР МАВЖУД. КЕЛИНГ, СИЗ БИЛАН ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ САЛОМАТЛИККА САЛБИЙ ТАЪСИРИ БОРМИ ЎКИ ЙЎҚ ЭКАНИ ҲАҚИДА БИРОЗ ТАҲЛИЛ ЎТКАЗАМИЗ.

ЭНЕРГЕТИКЛАР ҚУВВАТ МАНБАИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Бахтинисо АЗИМБОЕВА, валиолог:
— Энергия қуввати танамизга суюқликдан эмас, асосан оқсилдан келади. Масалан, аминокислота танамизга қурилиш озукаси сифатида сингади. Шунингдек, ёғлардан, тўйинган ёғ кислотасидан оқсиллар йиғилади. "Б" гуруҳидаги витаминлар эса организмга котализатор вазифасини ўтайди. Ушбу моддалар ўрнини бошқа ҳеч қандай озукка билан алмаштириб, тўлдириб бўлмайди. Бугун истеъмол қилинаётган таомларда айнан ушбу моддаларнинг етарли эмаслиги энергетик ичимликларни ичишга қайсидир маънода туртки бўлмоқда.

Унутмаслигимиз керакки, бу ўзини ўзи алдаш, деганидир. Организмга керакли бўлган

озик-овқатни вақтида бермасак, ҳолсизлик, чарчоқ юзага келади. Яхшиси, кўпроқ салатлар истеъмол қилиш зарур. Ярим килограмм салатдаги қарам, сабзи, кўкатлар, қизил лавлаги бизга бир кунлик қувват манбаини таъминлашга ёрдам беради. Энергетик ичимликлар бугун танамиздаги резервлар ҳисобида уни қувватлантириб, яшаб туришига ҳисса қўшади. Кун келиб ушбу заҳира қувват тугагач, касаллик келтириб чиқаради ва уларни тиклашнинг имкони йўқ.

Шунинг учун эҳтиёт чорасини ҳозирдан кўриш талаб этилади. Аслида ҳар қандай газли ичимликлар иссиқдан химояламайди ва чанқоқ босмайди. Чунки кунлар исиган вақтда танамиздаги сувни ушлаб туриш учун минераллар керак бўлади. Улар эса сабзавот ва кўкатларда ҳамда қатиқда мавжуд.

Бундан ташқари, энергетик ичимликлар таркибида кофеиннинг кўплиги сабабли иссиқ ёз кунларида келтириб чиқарувчи асосий юборади. Натижада юрак қон-томир касалликларини юзага келтириш хавфи ортади. Чунки инфарктни келтириб чиқарувчи асосий омил — бу қон томирнинг мўртлашиши, ёрилиб кетиши организмга тўйинган ёғ кислотаси ҳамда витаминларнинг етарли эмаслиги билан тафсифланади. Қон қуюқлашиши ёки қурилиш озукалари камлиги ҳам инфарктга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, соч толаси шикастланса, уни кўрамиз ва химоялаш чораларини қўллаёмиз. Томирларимиз ҳам ҳудди ана шу соч толасидек бўлади, унинг мўртлашиши жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

Энергетиклар таркибидаги моддаларнинг киши руҳиятига таъсири ҳақида ҳам қисқача тўхталсам.Бир масалани унутмаслик керак. Нега бу турдаги махсулотларни мазали қилиб ишлаб чиқарилади? Сабаби инсоннинг сўлак безлари орқали нейроиндокрининг тизимда нейрогинеэзни айнан дофаминни ошириш мақсадида улар ўзгача таъм билан тайёрланади. Кайфиятни кўтарувчи бу модда ичакда яхши ишлаб чиқарилади. Ошқозон яхши ишласа, бу модда автоматик равишда ишлаб чиқарилаверади. Ичимиздаги беминнат

"з а в о д и м и з" ни ишлатиш, даволаш ёки сошлаш ўрнига т а ш қ а р и д а н тайёр ичимлик билан кайфият кўтариши афзал биламиз. Лекин бу моддага мойилликни уйғотади. Ўрганишнинг пайдо бўлиши эса ўз-ўзидан руҳиятга ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Дилрабо ШАРИПОВА, умумий амалиёт шифокори:

— Бу турдаги ичимликларнинг ёш организмга зарарлари талайгина. Биринчи навбатда, инфаркт миокардига олиб келади. Қон қуюқлашиши натижасида босим ортиб, саломатликкагина эмас, иш фаолиятининг бузилишини ҳам келтириб чиқаради. Ушбу ичимликларни истеъмол қилган инсон биринчи кунги ўзини тетиклашгандек ҳис қилиши бор гап. Эртасига эса органларда аввалгидан ҳам кучли чарчоқ ва ҳолсизлик юзага келади. Сабабини оддий тилда тушунтирадиган бўлсам, энергетиклар бугун бизга эртанги қувват манбаидан олиб беради ва эртага бугунгидан икки баробар кўпроқ чарчоқ ҳис қиласиз.

Ўз навбатида, бу каби ҳолат кишида тобеъликни ҳосил қилади. Бориб-бориб ушбу ичимликлар салбий таъсирини намоён қила бошлайди. Таркибида адреналин, тоурин ва кофеиннинг кўп миқдорда мавжудлиги уйқунинг бузилиши, юрак ўйнашига олиб келади.

Энергетик ичимликларнинг инсон руҳияти ва организмга салбий таъсири ҳақида мутахассислар аниқ гапларни таъкидлади. Унинг яна бир салбий жиҳати борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. 10 дақиқада ичиб, тамомланадиган энергетикларни саккиз мингдан 15 минг сўмгача сотиб олиш мумкин. Агар бир кунда ўртача икки дона ана шундай ичимликка пул сарflanса, тасаввур қилинг, бир



ойда қанча маблағ ишлатилади. Ойига 500-600 минг сўмга қанчалаб китоб сотиб олса бўлади, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Агар шу пулларни фойдаланишга сарфласак, ҳар маънан, ҳам жисмонан саломатликка эришиш имконимиз ортади.

Яна бир масала. Ижтимоий сўров ҳамда мутахассис билан суҳбат натижасида амин бўлдикки, бугун юртимизда ишлаб чиқарилаётган энергетик ичимликлар таркиби чет элликдан фарқ қилади. Бир хил турдаги ва номдаги ичимликлар таркиби, таъми ва таъсир даражасида тафовут мавжуд. Шундоқ ҳам турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган истеъмол маҳсулотининг таркибидаги ана шундай фарқнинг сабаби нима ва унинг оқибатлари қандай экани эса алоҳида мавзу.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.

14-iyul, chorshanba, 2021-yil.
№27 (32669)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА

25
ЙИЛ

» АХИР, ҲАВО ИСИБ КЕТСА, ТЕХНИКАЛАР ЭСКИРГАН БЎЛСА, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР АЙБДОР ЭМАС-КУ.

Ёз бошланиши билан мамлакатимизда жазирама иссиқ кунлар бошланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, республикамиз об-ҳавоси кескин континентал минтақа ҳисобланади. Аслида Ўзбекистон учун ҳар йили ёз фаслида ҳарорат иқлимий меъёрдан 4-5 даражадан юқори бўлиши кўп бора кузатилиши оддий ҳолдир.

Маълумотига кўра, жорий йилда республикамиз ҳудудидида 1 июлдан бошлаб ҳаво ҳарорати кўтарилди бошлаган. Яъни, 7-8 июль кунлари эса Ўзбекистон ҳудудидида об-ҳаво жуда иссиқ бўлиб, шу кунлари ҳаво ҳарорати иқлим меъёридан 5-8 даража юқори бўлган ва кундузи вақтларда ҳаво 41-43 даража, шимолда, жанубда ва ҷул ҳудудларида 44-46 даражагача иссиқ бўлган.

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтариллиши сабабли республикамизнинг деярли барча вилоятларида, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам тинч равишда "свет" ўчгани ҳақида матбуот, телевидение ва ижтимоий тармоқларда кўплаб танқидий ахборотлар берилди.

Ушбу тарқатилган ахборотларда республикамизнинг барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларида 5-6 соатлаб "свет" ўчган бўлса, вилоятларнинг туман, шаҳарларида 4-5 соат электр энергия тизимидан узилган. Бу ҳам етмагандек, Тошкент шаҳрида ҳам электр энергияси таъминотида жиддий муаммолар юзага келиб, пойтахтнинг кўплаб туманларида навбатма-навбат 2-3 соатлаб "свет" ёнмаган. Бу эса шаҳарда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлган. Бойси, пойтахтнинг кўпчилиги аҳолиси кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Уй ҳароратини салқин, бир хил даражада ушлаб туриш учун кондиционер ёки вентилятордан фойдаланишгани боис маълум соат "свет" бўлмаса уй ҳарорати кўтарилди, хона ўтириб бўлмайдиган даражада иссиқ қолади. Бундан ташқари, музлаткичдаги тез айнийдиган маҳсулотлар, яъни мewa-чевалар ҳам истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб қолгани уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган.

Охириги вақтларда энг ишончли ва хавфсиз жомат транспорт ҳисобланган Тошкент метрополитени ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кўп бора танқид остига олинмоқда. Чунки, метрода

тез-тез электр энергияда узиллиш бўлаётгани боис, аҳоли метрога тушишга юраги безиллаб қолганини яширмаяпти. 7 июль куни Тошкент метросининг қатор бекатлари электр энергиясиз қолгани тўғрисида яна эътирозли хабарлар тарқалди.

Энергетика вазирлигининг тарқатган ахборотида кўра, бугунги аномал иссиқ ҳаволи кунда Ўзбекистонда аҳолининг электр энергиясига бўлган бир кунлик эҳтиёжи 223 миллион кв/соатни ташкил қилади. Аммо рақамлардан кўриниб турибдики, энергетика соҳаси бу қувватни етказиб бериши жуда қийин. Ҳар ҳолда бизга керак бўлган 223 миллион кв/соат ҳамда ҳозирда ИЭС ва ИЭМларда ишлаб чиқарилаётган 173 миллион кв/соат орасидаги фарқ буни исботлайди. ГЭСлар эса тахминан 20 миллион кв/соат электр ишлаб чиқараётгани тахмин қилинади. Шунингдек, вазирлигининг яна бир хабарига кўра, 7 июль тонгида аҳолига энг кўп электр етказиб берувчи станциялардан бири – "Навоий" иссиқлик электр станциясини газ билан таъминловчи қувурдан газ сизиб чиқиши кузатишга ва натижада электр ишлаб чиқариш кескин камайган. Бу ҳам ўз навбатида кўп сонли аҳоли электрсиз қолганидан далолатдир.

Шу билан бирга, республикамиз сув омборларида сув келиш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37 фоизга кам ёки кўп йиллик ўртача сув келишининг 48 фоизини ташкил этмоқда. Бу ҳолат гидроэлектр станцияларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда. Шунга қарамасдан, мамлақати-

Энди эса ҳаво ҳарорати кескин, яъни ҳар йилгига қараганда, 5-8 даража юқори бўлгани учун "свет" ўчаётгани масъуллар томонидан иддао қилинмоқда.

мизда электр станциялар орқали режада кўрсатилган ҳажмларда электр энергияси ишлаб чиқариш чоралари кўрилатгани айтилади вазирлик хабариди.

"Ҳудудий электр тармоқлари" тарқатган маълумотида кўра, республикадаги электр тармоқларидаги фавқулодда узиллишлар бартараф этилаётгани таъкидланмоқда. Шунингдек, бу аҳолининг жазирама иссиқда совитиш воситаларидан фойдаланиши кескин ортгани сабаб юз бергани айтилди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчи эдим. Бу таъкидлар бизга умуман бегона эмас. Қиш ойларида ҳам кўп маротаба такрорланган гапларни унутмаганмиз. Қаҳратон қишнинг бир кунидида Ўзбекистонда ярим миллиондан ортиқ аҳоли электрсиз қолган эди. Ушунда ҳам ҳаво совитиши оқибатида электр энергиясида содир бўлаётган узиллишларга тармоқларнинг эскиргани сабаб қилиб айтилганди.

Энди эса ҳаво ҳарорати кескин, яъни ҳар йилгига қараганда, 5-8 даража юқори бўлгани учун "свет" ўчаётгани масъуллар томонидан иддао қилинмоқда.

Шу ўринда одамни ҳақли бир савол қийнайди? Нимага Энергетика вазирлиги ўша биз айтган иссиқ ёки совуқ кунларга тайёр туришмайди-да баҳонани аҳолига ағдаришади, яъни шу кунларда аҳоли электр энергияни кўп истеъмол қилаяпти, деб. Ваҳоланки, Республика Гидрометеорология маркази кунлик, ҳафталик, ўн кунлик, керак бўлса бир ойлик мамлакатимизда қандай об-ҳаво бўлишини башорат қилиб, маълумот тарқатишади. Шундан хулоса чиқарган ҳолда, Энергетика вазирлиги чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмайди? Худдики, вазирлик иссиқ ёки совуқ кунлар бўлишини билмагандай, яъни тўсатдан шундай бўлиб қолгандай ўзларини оқлашади. Ва бунга тегишли идоралар нимага аҳолини электр энергиясиз қолдирдинг, деб чора кўрмайди? Бундай дейишимизнинг сабаби бирон марта аҳолини электр энергиясиз қолдиргани учун масъулларга чора кўрилди, деган маълумотга кўзингиз тушмайди.

Энергетика вазирининг баёноти эълон қилинди. Унда шундай дейилади:

"Ҳурматли ватандошлар!

... Энергия таъминоти тизими бу анча мураккаб жараён. Ускуналар техник хизмат кўрсатиш ва модернизация ишларининг кечикишига чидай олмайдди. Улар эскиради ва натижада шу каби носозликларга олиб келади. Бундан ташқари, эски ускуналар шунчаки янги қувватларга бардош бера олмайдди. Бу эса бугунги кунда 25 йилдан ортиқ вақт давомида энергетика тизимининг ҳолатига етарлича эътибор берилмагани натижасидир.

Айнан энергетика тизимини босқичма-босқич янгилаш мақсадида 2019 йил бошида Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Сўнгги икки ярим йил ичида соҳада катта ишлар амалга оширилди. Аммо йигирма беш йил давомида ишлаб келган ва эскирган ускуналарни қисқа фурсатларда янгилашнинг имкони йўқ..."

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Вазирнинг баёнотида охириги 25 йиллик ҳақида гап кетган. Кузатишларимга кўра, сўнгги йилларда вазирлик, кўмита ва идораларнинг раҳбарлари гўё ўтган 25 йилда ҳеч иш қилинмагандай, айбни ўша йилларга ағдаришни касб қилиб олаётгандай. Ваҳоланки, ўтган ҳар бир йилда қандайдир ўзгаришлар қилинган-ку. Ахир, ҳаво иссиб кетса, техникалар эскирган бўлса, истеъмолчилар айбдор эмас-ку.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Биласизми?

ҲОЗИРГИ КУНДА
Ўзбекистон Республикаси
ҳудудидида



- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – 747 300 сўм;
- базавий ҳисоблаш миқдори – 245 000 сўм;
- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 262 470 сўм;
- ёшга доир энг кам пенсиялар – 565 000 сўм;
- болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – 565 000 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – 400 000 сўмдан иборат.

2021 йил 15 июлдан
талабалар ўқишни
кўчиришнинг қуйидаги
тартиби жорий этилади



— ўқишни хорижий давлатлардаги (ҳалқаро 1 000 талик рўйхатга кирган) олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистондаги давлат ОТМнинг мос ва турдош йўналишларига кўчиришда:
— алоҳида иқтидор талаб этилаётган йўналишлар бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа йўналишлар бўйича тест ўтказилади;

— тест ва касбий имтиҳонлар бўйича ўтиш баллари жорий йил 25 июлгача, кейинчалик ҳар йили 15 июлгача белгиланади ҳамда ОАВда эълон қилинади;
— ўтиш балидан паст балл тўплаган талабалар табақалаштирилган ўқув-контракт асосида ўқишга қабул қилинади;

— тест ва касбий имтиҳонлар натижалари ДТМ ҳамда ОТМнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади;
— ўқишни хорижий давлатлардаги олий таълим ташкилотларидан Ўзбекистондаги давлат ОТМнинг мос ва турдош бўлмаган йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди.

ДАВЛАТ МУЛКЛАРИНИ
"1 СЎМ"
қийматда савдога чиқариш
амалиёти бекор қилинади



Президент Фармони (ПФ-6258-сон, 08.07.2021 й.) билан айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгаришларга мувофиқ, қуйидагилар бекор қилинди:
— вилоят ҳокимлари томонидан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда "ноль" харид қиймати бўйича сотиш амалиёти;

— давлат объектларини ижтимоий мажбуриятлар асосида "1 сўм" бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш тартиби.

Адлия вазирлигининг
"Нуқуқи ахборот" канали.

ФАРЗАНДИДАН ВОЗ КЕЧГАНЛАР

АЁЛ, ОНА ОЛАМДАГИ ЭНГ МУҚАДДАС ЗОТЛАРДАН. АММО, БАЪЗИДА ШУНДАЙ АЁЛЛАР ҲАМ УЧРАЙДИКИ, ТУБАН ИШЛАРДАН ТАП ТОРТМАЙДИ. ҚУЙИДАГИ ВОҚЕАЛАР СОДИР БЎЛГАН ҲАМДА ЎЗ БОЛАСИНИ СОТГАНЛАР ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛГАН. АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРГА БОРИБ, УЛАРНИНГ АНИҚ МАНЗИЛИНИ КЎРСАТМАДИК. СОҲИБА ҚОСИМОВА (ИСМ-ФАМИЛИЯСИ ЎЗГАРТИРИЛГАН) АСЛИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАН. БУ АЁЛ ЕНГИЛ ҲАЁТ КЕЧИРИБ, НИКОҲСИЗ ФАРЗАНД ТУҒДИ. АЛБАТТА, БУ ВОҚЕАДАН УНИНГ ОПАСИ СОЖИДА ХАБАРДОР ЭДИ. СОҲИБА ҚОСИМОВА «ОҚ» БЎЛИБ КЕТИШДАН ҚЎРҚИБ ОПАСИГА ДАРДИНИ АЙТДИ. АНА ШУНДАЙ КУНЛАРНИНГ БИРИДА СОЖИДА ТАНИШИ ЭРКИН ҚОСИМОВНИНГ УЙИГА БОРГАНДА СИНГЛИСИ ҚИЗ ТУҚҚАНИНИ АЙТДИ. БУ ГАПНИ ЭШИТГАН ЭРКИН ҚОСИМОВ ВА УНИНГ АЁЛИ БИР ТАНИШИГА ФАРЗАНД КЕРАКЛИГИНИ АЙТАДИ. НИКОҲСИЗ ТУҒИЛГАН ҚИЗДАН ҚУТУЛИШ МАҚСАДИДА УЛАР ЎЗАРО КЕЛИШИБ ОЛИШДИ. ХУЛЛАС, ГЎДАКНИ СОТАДИГАН БЎЛИШДИ. АЛБАТТА, ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛГАНДАН КЕЙИН УНИНГ ТУҒИЛГАНИНИ ҚАЙД ЭТИШ УЧУН ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ КЕРАК. ТУБАНЛИККА ЮЗ ТУТГАН ОПА ПОЛИКЛИНИКА БОЛАЛАР БЎЛИМИ МУДИРИ БЎЛИБ ИШЛОВЧИ Н.ОРИПОВА БИЛАН УЧРАШДИ.

—Танишим уйда қиз туғди. Уйда туғилганлик тўғрисида ҳужжат керак.

—Яши, педиатрга учрашинг. Шундан кейин опа тўғри 3.Носированинг олдига бориб, ҳолатни тўшунтири. Қисқаси, педиатр 180 минг сўм эвазига сохта ҳужжат тўғрилади. Мухр босиш учун эса 100 АҚШ долларини бўлим мудирига «мукофот» тарикасида ташлаб кетди.

Сохта ҳужжат тайёр бўлгач, опа-сингил гўдакни сотиб олмоқчи бўлган аёлга телефон қилишди.

—3500 АҚШ доллари берсангиз,

гўдак сизники бўлади. Ҳужжатларидан хавотир олманг. Ҳаммасини тўғриладик.

«Савдо» пишғач, фарзанд сотиб олмоқчи бўлган аёл билан Тошкентда учрашишадиган бўлишди. Улар пойтахтнинг Яшнобод туманидаги «Авиасозлар» деҳқон бозори рўпарасида кўришишди. Гўдак учун 3500 АҚШ долларини олган опа-сингил «мушқули» осон бўлганидан хурсанд бўлиб қайтишаётганида уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тўхтатишди.

Ўз фарзандидан воз кечган,



устига устак уни сотиб пулламоқчи бўлган бу аёлнинг қилмишини оқлаб бўлмайди. Сингилсининг «шаънини» ҳимоя қилмоқчи бўлиб, разил ишга қўл урган опани кечириб бўлмайди. Гўдак савдосига аралашган эр-хотиннинг айби уларниқидан кам эмас.

Тубанликка юз тутганлардан яна бири наманганлик Насиба Шокирова (исм-фамилия) бўлади. У ишлаб, пул топиш мақсадида Тошкент вилоятига келиб, Нурафшон шаҳридаги цехлардан бирига ишга жойлашди. Шундай кунларнинг бирида Иброҳим исмли йигит билан танишиб, унинг уйда яшай бошлади. Оқибатини ўйламай, енгил-елпи йўллар билан осон пул топишни ўйлайдиган бўлиб қолди.

Мана шундай тайинсиз ҳаёт кечириши оқибатида никоҳсиз фарзанд орттиришга ҳам улгурди. Гўдак туғилгач, Насиба Наманганга жўнади. Онаси уни уйига киритмади. Насиба иложсиз яна ортга, Нурафшон шаҳрига қайтиб, Иброҳим билан

яшай бошлади. Кунларнинг бирида Иброҳим болани боқишга қийналаётганини айтиб, бир танишига 300 АҚШ долларига сотиш мумкинлигини билдирди. Албатта, бу ишдан Насибанинг таниши Гулмира ҳам хабардор эди. Устига устак чақалоқнинг туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат ҳам йўқ. Никоҳсиз туғилган қиздан қутулиш мақсадида Насиба билан Гулмира ўзаро гаплашишди. Қисқаси, Насиба фарзандини 300 АҚШ доллар эвазига Гулмирага "пуллади". Гулмира эса чақалоқни опасига берди. Уларнинг қора қилмишидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари хабар топишди. Шундан сўнг тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Судда Насиба Шокирова ҳамда Гулмира Рўзиева айбига иқдор бўлиб, енгил жазо беришни илтимос қилишди. Суд қатъий ҳукм чиқарди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Икки нафар 2-гуруҳ ногирони бўлган болаларим билан
12 йилдан буён ижарама-ижара сарсон-саргардонмиз.



Узун туман ҳокимлиги бир аёлга умид берибди...

ҲАЁТ ИНСОНГА БИР МАРТА БЕРИЛАДИ. УНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲАР БИР КИШИНING ЎЗИГА БОҒЛИҚ. АНА ШУНДАЙ КЕЗЛАРДА КИМДИР МУШКУЛ ВАЗИЯТГА ТУШИБ ҚОЛСА, БОШҚА БИРОВ ТАҚДИР ЗАРБАЛАРИГА ДУЧ КЕЛАДИ.

УЗУН ТУМАНИНИНГ "ҚОРАШИҚ" МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЗЕБУНИСО ТИЛАКОВАНИ САБР-БАРДОШЛИ, МАТОНАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ ИНСОНГА ҚИЁСЛАШ МУМКИН. БУ АЁЛ ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА ТУРЛИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БУШИДАН КЕЧИРГАН БЎЛСА-ДА, ҲАМОН ЯХШИ КУНЛАР КЕЛИШНИ КУТИБ ЯШАМОҚДА.

Унинг тахририятга йўллаган мактубида жумладан шундай дейилади: "...2008 йилда яхши ниятлар билан турмушга чиқдим. Орадан бир йил ўтгандан кейин катта фарзанди-

миз Умиджон дунёга келди. Бундан қанча қувонган бўлсам, унинг қанд етишмаслиги хасталиги билан туғилгани мени шунча ташвишга сола бошлади.

Ўша пайтларда бир ҳовлида учта оила истиқомат қилардик. Қайнота-қайнонамнинг 9 нафар фарзанди бўлиб, уларни уйли-жойли қилиш вақти келганди. Шуларни инobatга олган ҳолда 2009 йилда вақтинчалик яшаб туриш учун Амиркул акамнинг уйига кўчиб ўтдик. Иккинчи фарзандим Шамшоджон ўша даврда, яъни 2015 йилда туғилган. Тақдирни қаранг-ки, шифокорлар унда ҳам туғма қанд касаллиги етишмовчилиги борлигини аниқлашди. Кейинчалик эса бош миёда ўсимта ўсаётгани тасдиқланди.

...Орадан беш йил ўтгандан кейин Курбон Маҳатов, деган олижаноб инсон бизга бошпана берди. Хуллас, икки нафар 2-гуруҳ ногирони бўлган болаларим билан 12 йилдан буён ижарама-ижара сарсон-саргардонмиз.

«**КУНИ КЕЧА УЙИМИЗГА МУТАСАДДИЛАР КЕЛИШДИ. ЙИЛ ОХИРИГАЧА ЯНГИ УЙ БЕРИЛИШНИ ЭШИТГАНИМДА, ЎЗИМНИ ЙИГИДАН ТЎХТАТОЛМАЙ ҚОЛДИМ...**

Уй-жой билан таъминлашларини сўраб, Узун тумани ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилдим. Афсуски, муаммо ҳамон ижобий ечим топгани йўқ. Бизга амалий ёрдам беришларингизни илтимос қилиб сўрайман..."

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Узун туманининг "Қорашиқ" маҳалласига бордик.

...Йўл ёқасида пахса девордан бир хонали уй қурилган. Унинг ярми яшаш учун мўлжалланган бўлса, бир қисмидан ошхона сифатида фойдаланиб келинмоқда. Жазирама иссиқ ва қиш совуғидан эшик-роларнинг ранги ўчган. Жиҳозлар, кўрпа-тўшак, озик-овқат маҳсулотлари – ҳаммаси бир жойда.

— Келажакда шифокор бўлмоқчиман, — дейди Умиджон. — Онамни даволатиб, уй олиб бераман. Шундан кейин йиғламайдилар.

— Уқитувчи ва мураббийлар шарафли касб эгалари ҳисобланади, — дейди укаси Шамшоджон. — Шунинг учун устозим каби меҳрибон, меҳридарё ва оққўнғил инсон бўлишга ҳаракат қиламан.

Зебунисо Тилакованинг кўп йиллардан буён уй-жой ололмаётганига

ойдинлик киритиш мақсадида Узун тумани ҳокимлигига бўлдик.

— Икки нафар фарзанди билан ижарада яшаб келаётган Зебунисо Тилакова "Темир дафтар"га киритилган. Унинг оилавий шароити оғирлиги учун бир неча марта ҳокимлик ва ҳомийларнинг совғалари берилди. Пандемия даврида эса 880 минг сўм бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган, — дейди **Узун туман маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман ҳокими ўринбосари Дилором Сафарова.**

У турар-жой олиш учун 2018 йилда туман ҳокимлигига мурожаат қилганди. Шундан кейин уй-жойнинг бошланғич тўлови – 43 миллион 500 минг сўмдан ортиқ маблағ шакллантирилди. Оилага "Чинор" ва "Баҳористон" маҳаллаларида қурилган замонавий уйлардан бирини ажратмоқчи бўлдик. Аммо аёл ойлик тўловларни амалга оширолмастлигини айтиб, таклифимизни рад қилишга мажбур бўлди. Ҳозирги кунда муаммони ҳал қилиш чоралари кўриляпти.

— Уйимиз кичик Ватанимиздир, — дейди Узун туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари Абдурашид Курбонов. — Ҳақиқатан ҳам 2 нафар ногиронлиги бор фарзандни тарбиялаётган она кўп йиллар сарсон-саргардон бўлган. Соғлиғи, ҳаловати ва хотиржамлигини йўқотгани табиий. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан Зебунисо Тилакова жорий йилда уй-жой билан таъминланадиган бўлди.

Мақолани тайёрлаш жараёнида қаҳрамонимиз яна кўнғирок қилди: — Мени қўтлашларинг мумкин, — дейди у хурсандчилигини яширолмай. — Кунни кеча уйимизга мутасаддилар келишди. Йил охиригача янги уй берилишини эшитганимда, ўзимни йиғидан тўхтатолмай қолдим...

Опанинг қувончига шерикмиз, Узун туман ҳокимлиги мутасаддилари ҳам охиригача ваъдаларида туришади, деб ишониб қоламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Эҳтиёж кўпми, имкониётми?



ЯҚИНДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЙИГИРМА ИККИ ЁШЛИ ЙИГИТНИНГ РОССИЯДА ВАФОТ ЭТГАНИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР ТАРҚАЛДИ. ЎША ЙИГИТ МЕН БИЛАН БИРГА КАТТА БЎЛГАН, ЁН КЎШНИМ ЭДИ. РОССИЯГА КЕТГАНИГА ИККИ ЙИЛДАН ОШГАНДИ. ЯХШИ НИЯТДА УЙ ҚИЛАМАН, ТЎЙ ҚИЛАМАН, ДЕБ БЕГОНА ЮРТЛАРДА ИШЛАБ ЮРГАНДИ. ЁЛГИЗ ОНАСИ ЗОР ҚАҚШАБ ҚОЛДИ. СОЧЛАРИНИ ЮЛИБ-ЮЛИБ ЙИҒЛАДИ. КЎКСИГА МУШТЛАБ-МУШТЛАБ ЙИҒЛАДИ. БУНГА ЎХШАШ ҲОЛАТЛАР ЖУДА КЎП БЎЛМОҚДА. НЕЧА-НЕЧА ЗАБАРДАСТ ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ БЕВАҚТ ОЛАМНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА. АГАР ЎЗ ЮРТИДА ЎҚИБ, ИШЛАБ ЮРГАНИДА БУ КАБИ АЯНЧЛИ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНГАН БЎЛАДИ. МУШФИҚ ОНАЖОНЛАР ФАРЗАНДИ ДОҒИДА КУЙИБ ҚОЛМАСДИ. КЎЗЛАРИНИ ЁШЛАБ ҚОЛМАСДИ. БУНДАЙ ВОҚЕАЛАР ДАВОМ ЭТАВЕРСА КЕЛАЖАК ҲАҚИДАГИ ХАЁЛЛАР ҚАЕРДА ҚОЛАДИ?

Юртимизда бугун ўрта таълимни тугатганларнинг маълум қисми Россияга ишлаш учун кетишмоқда. Эндигина катта ҳаёт оstonасини ҳатлаб ўтган боланинг эрта учирма бўлиши унинг қанотларини қайириб қўймасмикан? Бир неча йил олдин ўша юртда меҳнат қилиб, оиласини боққан одамнинг бугун ўғли ҳам четга чиқиб кетмоқда. Деярли, ўзгаришларсиз кечаётган жараёнлар қачонгача шу тахлитда давом этар экан-а?

Ўтган йили пандемия сабаб хорижда ишлайдиган ўзбек мигрантлари камайган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони яна ортди. Шу йилнинг 26 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида чет элда ишлаётган юртдошларимиз сони эълон қилинганди. Унга кўра, бугунги кунда бир миллион етти юз минг нафардан ортиқ ватандошларимиз асосан Россия ва Қозоғистонда меҳнат қилишмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 55 фоиздан ортиғи ёшлардан иборатлиги ҳамда йилига меҳнат бозорига 600 мингга яқин ишчи кириб келаётгани мазкур муаммонинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Бу йил олий таълим муассасаларига бакалаврият босқичига 157 755 нафар, магистратура босқичига эса 12 900 нафар, филиаллар ва нодавлат олий таълим ташкилотларида давлат гранти асосида 500 нафар ёшлар ўқишга қабул қилинади. Йилига 600 мингга яқин ўқувчи мактабни битиради, квоталар сони эса 200 мингга ҳам етмайди. Аммо кейинги икки-уч йилда қабул квоталарининг сезиларли даражада ўсганлигини тан олиш керак, бироқ бу ёшларнинг учдан бирини ҳам олий таълимга қамраб олиш имконини бермаяпти. Натيجида эса кўпчилик ёшлар чет элдаги ҳаёт тарзини афзал билишмоқда.

Бугун ишсиз ёшларимиз учун иш ўрни яратилди, деяётган каттаконлар, унинг даражаси ҳақида наҳотки ўйлаб кўришмайди. Овозини баланд қўйиб гапирётган мутасадди ўша ишга биронта қариндошини ёки яқин танишини кўярмикан? Қўймайди. Чунки бу унинг обрўсига тўғри келмайди-да. Нима керак қуруқ сафсата? У айтаётган иш ўринлари ҳақиқатда кўп айтилаётган гап бўлса, нега юртдошларимиз ҳамон чет элларда ишлаб юрибди? Мавжуд имкониётларни ҳаётга тадбиқ қиладиган вақт келмадимикан?..

Жамшид АМИРОВ.

ЮРТИМИЗДА «ОБОД ҚИШЛОҚ», «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ҚУРИЛИШ, БУЎДКОРЛИК ВА ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ОРТИДАН ҚИШЛОҚ ҲАМДА МАҲАЛЛАЛАРИМИЗНИНГ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРИБ, ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧИБ БОРМОҚДА. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, БУ КАБИ ЭЗГУ ИШЛАРДА НАФАҚАТ МАСЪУЛ ДАВЛАТ ИДОРЛАРИ ЁКИ ТАШКИЛОТЛАРИ, БАЛКИ НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР, ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ КИШНИ ҚУВОНТИРАДИ.

МУҲТОЖЛАРГА МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК



Партиядошларимиз сафида бундай инсонлар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар кенгаши ва партия депутатлик гуруҳи аъзолари Б.Тошўлатов, Ж.Муродов яқинда Зомин тумани, Пишағар қишлоғида истиқомат қилувчи, боқувчисини йўқотган, 4 нафар фарзанднинг онаси Эркесевар Қўшшаеванинг хонадониди бўлишиб, оиланинг яшаш шароити билан танишдилар. Улар яшаб турган уй-жой таъмирталаб аҳволга келиб қолгани сабабли, депутатларимиз бу ишни ўз зиммаларига олдилар. Зарур бўлган қурилиш ашёлари харид қилиниб, барча таъмирлаш харажатлари партиядошларимиз томонидан қолланди.

**ЎзХДП Жиззах
шаҳар кенгаши.**

MEHR-SHAFQAT

2020

Йилда 186 миллиард сўмга яқин хайрия маблағлари тушган.

14-iyul, chorshanba, 2021-yil. №27 (32669)



138 МИЛЛИАРД

СЎМ ХАЙРИЯ ҚАЕРГА САРФЛАНДИ?

ЎЗБЕКИСТОН "МЕХР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК" ЖАМОАТ ФОНДИ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ХАЙРИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ФОНД ҲИСОБ РАҚАМИГА 2020 ЙИЛДА 186 МИЛЛИАРД СЎМГА ЯҚИН ХАЙРИЯ МАБЛАҒЛАРИ ТУШГАН.

– Хайрия маблағларини сарфлашнинг қатъий тартиби ишлаб чиқилган, – дейди **"Мехр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди бошқаруви раиси Асрол Мирзахмедов.** – Асосан коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига дори воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа зарурий воситаларни сотиб олиш, тиббий асбоб-ускуналар

ва махсус транспорт воситаларини харид қилиш, тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига сарфланди. Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарорига асосан "Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарarli одатларга қарши курашиш,

»ЎТГАН ЙИЛИ ФОНД ҲАҚИДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА ТАРҚАЛГАН "МАБЛАҒЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРГАНЛИГИ" БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИБ ЧИҚИЛГАН ВА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМАГАН. БУ ҲАҚДА KUN.UZ САЙТИДА РАДДИЯ БЕРИЛГАН.

аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантириш" мавзусида фонд томонидан 14 та видеоролик тайёрланиб, улар телеканаллар ва интернет тармоқларида намойиш этилди. Оммавий сайёр қабулларда фуқаролар муурожаати асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда беморлар учун малакали шифокор-

лар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишга 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.


Ҳисобот даври якунига кўра, жамоат фондининг хайр-эҳсон, ҳомийлик ва бошқа харажатлари 138 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, 6 миллиард сўмликдан ортқ портатив рентген аппаратлари, тиббий жиҳозлар ва шахсий гигиена воситалари, химоя комбинезонлари, химоя никоблари, тиббий қўлқоплар, дори воситалари беғараз қабул қилиниб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақсимотига кўра, тиббиёт масканларига тарқатилди.

Жорий йилда ҳам жамоат фонди томонидан фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, касалликка чалинган беморларни жарроҳлик амалиёти билан даволанишлари ҳамда боқувчисини йўқотган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-кечак билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бунинг учун йил бошидан буён 44 миллиард сўмдан ортқ маблағ сарфланган.

Президентимизнинг тегишли фармонида асосан ҳомийлик маблағларини марказлашган ҳолда тўплаш, тарқатиш, уларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини мониторинг қилиш, ушбу жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш, шунингдек, хайрия этувчиларга маблағларнинг сарфланишини кузатиб бориш имконини берувчи "Шаффоф хайрия" ягона интерактив портални ишлаб чиқиш, ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда.

Шухрат ИСЛОМОВ.

ҲАЁТ САБОҒИ



Альберт Эйнштейн кийинишига унчалик эътибор бермасди, доимо пала-партиш кийиниб юрарди. Бир куни тасодифан олим Нью-Йоркда бир танишини учратиш қолибди.

— Жаноб Эйнштейн, — дебди у олимга салом-алиқдан сўнг. — Ўзингизга янги пальто сотиб олмасангиз бўлмайдими. Қаранг, буниси эскириб кетибди.

— Нима қипти, мени бу ерда ҳеч ким танимайди-ку, дебди олим.

Орадан бир неча йил ўтгач, олим яна ўша танишини кўчада учратиш қолибди. Эйнштейннинг ҳамон ўша эски пальтосини кийиб юрганини кўриб, у яна янги сотиб олишни маслаҳат берибди.

— Нима кераги бор? — дебди олим. — Бу ерда энди мени ҳамма танийди.

МАҲАЛЛА РАИСИ БОШ ИСЛОҲОТЧИ фаол тадбиркорлар унга кўмакчи



Маҳалла асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ҳамда ҳамжиҳатлик маскани бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда ушбу тизимнинг нуфузи ва фаолияти самарасини кучайтириш, фуқароларнинг ўз фикри ва дардини, таклиф-тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига ечим топадиган чинакам халқчил идорага айлантириш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда халқимизни рози қилишдек улуғвор мақсадга қўл ураётган Наманган шаҳрида жойлашган "Гулбоғ" МФЙ раиси Тўхтасин Каримов ва унинг ўринбосарлари Мирзохид Турсунов, Гавҳар Исмаилова, Муқаддас Раҳимовалар замон билан ҳамқадам бўлиб, ўз билим ва малакасини доимий ошириб бормоқда. "Обод маҳалла", "Обод кўча", "Обод хонадон" мезонларини ҳаётга татбиқ этиб, маҳалладаги турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чора-тадбирлари устида тинимсиз ҳаракат олиб бормоқдалар.

Ушбу маҳаллада олиб борилаётган ишларни кузатиб борар эканмиз, айни вақтда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами



билан манзилли ишлар олиб борилаётганлиги, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолининг муаммоларини "хонадонбай" ҳал этиш вазифалари тўлалигича йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдик.

"Маҳалладаги ишсиз ва моддий ёрдамга муҳтож фуқаролар фидойи тадбиркор хунарамандларимиз томонидан доимо қўллаб қувватланмоқда, юринг, бизни уларнинг иш фаолияти билан таништирсам", — дейди маҳалла раиси Тўхтасин Каримов.

"Тадбиркор элга мададкор" деганларидек, маҳалла ислохотчисига елкадош бўлаётган "ВМГ водий мебель" МЧЖ раҳбари Баҳодир Халилов Юртбошимиз назарига тушган фидойи тадбиркорлардан бири бўлиб, унинг кўмагида маҳалладаги 36 нафар эркак ва аёлнинг иш билан бандлиги таъминланган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшик, дераза ва мебеллар Туркия, Италия, Хитой технологиялари ҳамда қўл меҳнати асосида ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистондаги барча

вилоятларнинг ҳашаматли биноларию мадрасаларида кўришингиз мумкин. Бу эса ўз навбатида тадбиркор томонидан маҳалла иқтисодий аҳолининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Яна бир оилавий тадбиркор "Муллажонов Ривожиддин" ХК раҳбари Маматхон Муллажонов томонидан ҳам юқори сифатли эшик ва дераза маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали маҳалладаги 15 нафар фуқарога иш ўрни яратиб берилган. Келгусида ишчилар сонини 40 нафарга кўпайтириш режалаштирилган. Тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни республикаларга ҳам экспорт қилинаётганлиги қувонарли.

Маҳаллада тинчлик-осойишталик барқарор бўлишида юқорида таъкидланган маҳалла ҳомийлари ва фаоллари ҳамжиҳатликда ишлар экан, "Гулбоғ" МФЙ хонадонларида доимо гул ифори ўз атрини таратиб бораверади.

Дилдора СУЛТОНОВА, журналист.



Ҳаракатдан тўхтаб қолмаслик керак

Ҳар қайси жамият ва мамлакат ривожига амалий натижанинг ўрни муҳим. Аммо ана шу натижага эришиш учун муайян ҳаракат ва интилиш, энг муҳими, ижро интизоми зарур. Айнан Наманган шаҳар 60-сонли МТТ директори Санобар Усмано-ванинг доим ҳаракатдан тўхтаб қолмаслик керак шиори кўпчилик учун намуна бўлади, десак муболага бўлмайдими. Яқиндагина пок қалбли болажонларни ўз бағрига қамраб олган муассасада қисқа фурсат ичида қатъий тартиб-интизомнинг йўлга қўйилиши ҳамда директор томонидан давлат дастурларининг тизимли амалга оширилиши Мактабгача таълим вазири назаридан четда қолмади.

Замонавий таълим ташкилотига ташриф буюрган меҳмонлар муассаса раҳбари ва тарбиячиларга ҳар бир болага эътибор ва ғамхўрлик зарур эканлигини алоҳида таъкидлади. Муассасада болаларга қаратилаётган эътибор намунали тарзда олиб борилаётганлиги учун соҳа ходимларига ташаккур изҳор қилинди.



Дилдора СУЛТОНОВА, журналист.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

- Ulug'bek INOYATOV
- Ulug'bek VAYFOYEV
- Maqsuda VORISOVA
- Qalandar ABDURAHMONOV
- Guliston ANNAQILICHEVA
- Muslihiiddin MUHIDDINOV
- Hayotxon ORTIQBOYEVA
- Shuhrat ISLOMOV
- Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bunyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 741. 20389 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 20:00.



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda